

13. Қарши темир йўли // “Турон” (Янги Бухоро). № 12. 1912 йил 27 август.
14. Ўз МА И.1-ф, 16-рўйхат, 562-иш, 171-172-варақлар.
15. Ўз МА И.1-ф, 11-рўйхат, 1308-иш, 1-варақ.
16. Ўз МА И.1-ф, 11-рўйхат, 188-иш, 5-варақ.
17. Ўз МА И.1-ф, 11-рўйхат, 277-иш, 15-варақ.
18. Ўз МА И.3-ф, 2-рўйхат, 449-иш, 3-варақ.
19. РДХТА. 400-ф, 24-рўйхат, 879-иш, 111-бет.
20. РДХТА. 400-ф, 24-рўйхат, 879-иш, 161-162-варақлар.
21. РДХТА. 400-ф, 24-рўйхат, 879-иш, 163-варақ
22. РДХТА. 400-ф, 24-рўйхат, 879-иш, 187-варақ.
23. РДХТА. 400-ф, 24-рўйхат, 879-иш, 190-варақ.

## МАМЛАКАТИМИЗ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МИЛЛИЙ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (2016-2020 йй.)

**Тўхтаев Абдугани Қиличович,**  
Термиз давлат педагогика институти доценти,  
тарих фанлари номзоди

**Аннотация:** Мақолада 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида маҳаллийлаштириш дастури 2000 йилдан буён амалга оширилиб келинаётганлиги, сўнгги ўн йил (2006-2016 йй) да импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми 220 марта, саноат таркибида маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг улуши 9,2 % дан 20 % га ошишига эришилганлиги натижасида электр энергетикаси саноати ривожига муҳим аҳамият касб эта бошлаганлиги аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** электрон ускуналар, мис тасмалари, куёш панеллари, электр лампалари, телевизор, телефон, музлаткич, совуткич, газ плиталари, электр симлар, ўзбек-тожик, ўзбек-қирғиз қўшма корхоналари, электрон газ ҳисоблагич, кадрлар тайёрлаш.

**Аннотация:** В статье в 2016-2020 годах программа локализации в Республике Узбекистан реализуется с 2000 года, за последние десять лет (2006-2016 годы) объем производства импортозамещающей продукции увеличился в 220 раз, доля локализованной продукции в структуре отрасли увеличилась с 9,2% до 20 %. На конкретных примерах показано, что в

результате увеличения она приобрела важное значение в развитии электроэнергетики.

**Ключевые слова:** электронное оборудование, медные полосы, солнечные батареи, электрические лампы, телевизор, телефон, холодильник, холодильник, газовые плиты, электрические провода, узбекско-таджикские, узбекско-киргизские совместные предприятия, электронный счетчик газа, обучение персонала.

**Abstract:** In the article, in 2016-2020, the localization program in the Republic of Uzbekistan has been implemented since 2000, in the last ten years (2006-2016), the volume of production of import-substitute products increased 220 times, the share of localized products in the structure of the industry increased from 9.2% to 20% It is shown with concrete examples that as a result of the increase, it has become important in the development of the electric power industry.

**Key words:** electronic equipment, copper strips, solar panels, electric lamps, television, telephone, refrigerator, refrigerator, gas stoves, electric wires, Uzbek-Tajik, Uzbek-Kyrgyz joint enterprises, electronic gas meter, personnel training.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллийлаштириш дастури 2000 йилдан буён амалга

оширилиб келинмоқда. Илгари нефт ва газ дастгоҳлари, оғир саноат техникалари, озиқ-овқат саноати учун мўлжалланган кичик ускуналар, полимер ҳамда пластмасса буюмлари, калийли ўғитлар, электр двигателъ, кабел ва симлар, спорт буюмлари, маиший техникалар, энергия тежамкор ёритиш мосламалари, қурилиш ва пардозлаш материаллари сингари кўплаб маҳсулотларни ўзимизда тайёрлашнинг имкони йўқ эди. Ўзбекистон Республикасида маҳаллийлаштириш дастури 2000 йилдан буён амалга оширила бошланиши натижасида ана шу дастур туфайли юқоридаги санаб ўтилган буюмларнинг барчаси эндиликда ўзимизнинг маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Сўнгги ўн йил (2006-2016 йй) да импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми 220 марта, саноат таркибида маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг улуши 9,2 % дан 20 % га ошишига эришилди. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар уч йилгача солиқ тўлови, мулк ва фойда солиғи ҳамда божхона тўловлари тўлашдан озод этилди.[1]

2016 йилнинг бошида Бухоро вилояти марказидаги “Тарози класс” Масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) да темир йўл вагонлари юкини ўлчайдиган электрон ускуна тайёрлашга киришилди. Натижада корхона маҳсулотлари тури 10 тага етди. Бу маҳсулотлар хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Юртимизнинг етти та шахрида “Тарози класс” Масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) нинг сервис хизматлари фаолият кўрсата бошлади. 2016 йил февралда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида ҳам шундай шохобча корхона томонидан барпо этилди.[2]

Кейинги йилларда электротехника мис тасмалари тайёрлаш тизимининг маҳаллийлаштирилганлиги (Бекобод шаҳри “Ўзметкомбинати”) натижасида электр энергетикаси саноати ривожига муҳим аҳамият касб эта бошлади. Бунинг учун 2,8 млн. доллар эвазига Хитой Халқ Республикасининг “Jiangu Xinjong high-tech co ltd” компаниясида ишлаб чиқарилган технологик ускуналар олиб келиниб

“Ўзметкомбинат” га ўрнатилди. Улар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган қалинлиги 0,03 мм дан 4,0 мм гача, эни 10 мм дан 440 мм гача бўлган мис тасмалар импорт ўрнини қоплай бошлади. Дастлаб буюртмачиларга йилига ўртача 3 минг тонна маҳсулот етказиб берилаётган бўлса, (мис иссиқлик ва электр қувватини энг яхши ўтказувчи бўлиб, айниқса, электротехника саноатида кенг қўлланилади) келгуси йилларда бу кўрсаткични янада кўпроқ амалга ошириш ишлари олиб борилди.[3]

Ўзбекистон Республикасида маҳаллийлаштириш дастури асосида 2016 йил 23-24 июл кунлари “Ўзбекистон Республикаси Электротехника саноати ривожланиши” бўйича конференция ўтказилди. 2016 йилга келиб электротехника саноати соҳасида 5000 турдан ортиқ соҳалар ўзлаштирилди ва электротехника саноатида 1 трлн. 20 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.[4]

2017 йилнинг апрел ойида Фарғона вилоятида “Водий электр созлаш сервис” корхонаси ишга туширилди. Бу корхонада қисқа муддат ичида қуёш панеллари ишлаб чиқариш технологиялари ўзлаштирилди. Натижада бу корхонада тайёрланаётган юқори сифатли муқобил энергия манбалари харидорларга манзур бўла бошлади.[5]

2017 йил 28 сентябрда эса Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида Хитой билан ҳамкорликда 1,5 млн. АҚШ доллари жалб қилиниб янги қурилаётган уй-жой массивлари ва бошқа соҳалар учун мўлжалланган лифт ва эскалаторлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Натижада 70 киши иш билан таъминланишига эришилди.[6]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 февралда “2017-2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори шу қаби истиқболли лойиҳалар ижросига кенг йўл очиб бермоқда. Қарордан келиб чиқиб 2017-2021 йилларда ҳудудларда умумий қиймати 731,2 млрд. сўмлик 43 та

инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши, бунинг эвазига жойларда 1547 та янги иш ўринлари очилиши, жумладан Қорақалпоғистонда электр сақловчи шкафлар, иситиш қозонлари, металл радиаторлар, ярим автомат кир ювиш машиналари маҳаллийлаштирилиши, Самарқандда музлаткич, совуткич ва газ плиталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши белгилаб қўйилди.[7]

“Ўзэлтехсаноат”компанияси ҳисоботи-га кўра компаниянинг экспорт кўрсаткичи 2018 йилда 2016 йилдагига нисбатан 1,5 баробар, 2017 йил учун эса қарийб белгиланган режадагига кўра эса қарийб 50 млн. долларга кўпайди. Тизимда фаолият кўрсатаётган 70 га яқин корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган кабел ва сим маҳсулотлари, электротехника ҳамда маиший жиҳозлар Англия, БАА, Грузия, Озарбайжон, Афғонистон, Қирғизистон, Украина, Қозоғистон, Тожикистон, Туркия ва Россия каби кўплаб давлатларга етказиб берилди.[8]

Чирчиқ шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Elstan” хусусий корхонаси ҳамда Туркменистоннинг “Берк ганатли” корхонаси ўртасида истиқболли шартнома имзоланди. Келишувга кўра, Чирчиқ шаҳрида 2018 йилнинг учинчи чорагида автоматик ўчиргичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ишга туширишни келишиб олишди. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,2 млн. АҚШ доллариға тенг бўлиб, қўшимча иш ўринлари яратиладиган бўлди.[9]

2018 йилда “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компаниясига қарашли 70 га яқин корхоналар томонидан ички бозорни кабел ва сим, электротехника ҳамда маиший техника маҳсулотлари билан тўлдириш баробарида, ташқи бозордан ҳам мустақкам жой эгаллади. Айниқса тизим корхоналари томонидан 2 минг хилдаги кабель-сим, 50 дан зиёд турдаги электротехника, 30 дан ортиқ маиший техника тайёрлаш ўзлаштирилгани туфайли импорт улуши тобора қисқариб бормокда.[10]

2018 йилда Қарши шаҳрида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги қарори асосида “Biss electronics system” МЧЖ томонидан умумий қиймати 2 млрд. сўмлик

лойиҳа рўёбга чиқарилди. Йилига 25 минг дона телевизор тайёрлаш қувватига эга бўлган ушбу корхонада янги лойиҳа ҳисобига 40 га яқин иш ўрни яратилди.[11]

2018 йил декабрда Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбой Жээнбековнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи даврида Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида маиший техника ишлаб чиқариш бўйича “Артель-Электроникс” Қирғизистон-Ўзбекистон қўшма корхонаси очиш тўғрисида келишув имзоланди ва шу йилнинг охирида корхона курилиб ишга туширилди. Бу ерда кир ювиш машиналарини йиғиш ишлари йўлга қўйилди. Натижада корхонада 105 нафар ишчи-ҳодимлар иш билан таъминланди. Корхона ойига 900 га яқин кир ювиш машиналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.[12]

2019 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида электротехника саноати ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди. Бу эса ишлаб чиқаришнинг янги турларини ўзлаштирган ҳолда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини яратди. Электротехника саноати ташкилотларининг фаолият самарадорлигини янада ривожлантириш ва ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ушбу қарор қабул қилинди.[13]

2019 йил октябр ойида Тошкент шаҳри Қибрай туманида Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. У ерда 18 хил турдаги электр тежовчи лампалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.[14] 2019 йил ноябр ойида Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2019-2022 йилларда электротехника саноатини жадал ривожлантириш дастури тасдиқланди. Қарор билан ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни 2,7 бараварга, экспортини 4,3 бараварга ва мисни қайта ишлашни 5 бараварга кўпайтиришни кўзда тутувчи мақсадли кўрсаткичлар

тасдиқланди[15]

Ушбу Вазирлар Маҳкамасининг қароридан кейин Тожикистон Республикасида “Артел Авесто электроникс” ўзбек-тожик қўшма корхонаси иш бошлайдиган бўлди. Тожикистон Республикаси Инвестициялар ва давлат мулкани бошқариш қўмитасида Тожикистон ҳукумати, “Авесто” гуруҳи ва “Артел Engineering and Managemant” МЧЖ ўртасида Душанбе шаҳрида маиший техника воситалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Артел Авесто электроникс” корхонасини ишга тушириш бўйича инвестиция шартномаси имзоланди.

Келишувга кўра лойиҳа икки босқичда амалга ошириладиган бўлди. Биринчи босқичда чангютгич ва сув иситгич қозонлари ишлаб чиқарилса, иккинчи босқичда телевизор ва кир ювиш машиналарини ишлаб чиқариш режалаштирилди. Ушбу инвестициявий лойиҳанинг умумий қиймати 10 млн. доллардан иборат. Бунинг натижасида 175 та янги иш ўринлари яратилади. Маиший техника воситалари нафақат ички бозор талабларини қондириш, балки қўшни республикаларга хусусан Афғонистон Республикасига ҳам келажакда экспорт қилинади.[16]

Бугунги кунда мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 21 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.[17]

Ургут эркин иқтисодий зонасида 2018 йилда фаолиятини бошлаган “Sam elektro servis” МЧЖ 2020 йилга келиб 35 турдан ортиқ электр жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ушбу инвестицион лойиҳа 6,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, корхона маҳсулотларининг 40 фоизини экспорт қилмоқда. 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида 600 минг АҚШ dollari

микдорида экспорт амалга оширилди. Жумладан, тадбиркорлар маиший электротехника жиҳозларини Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон ва Озарбойжондаги буюртмачиларга етказиб беришди.[18]

Ушбу корхонада ҳар куни 350-400 тадан кўп газ ва бошқа замонавий-маиший техника воситалари тайёрланмоқда. Корхонада 2020 йилнинг якунига қадар маҳаллийлаштириш дастурига асосан электр печлари учун ойнали эшиклар, газ плиталарнинг устига қўйиладиган панжаралар ва пластмасса деталларни ҳам корхонанинг ўзида ишлаб чиқаришни режалаштирди. Эътирофга лойиқ жиҳати шундаки, ушбу истикболли янги лойиҳа маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади. Шунингдек, корхонада 2021 йилдан бошлаб кир ювиш машинаси ҳамда совуткичларни ҳам ишлаб чиқариш режалаштирилди.

Президент Ш.Мирзиёев 2019 йил июн ойида Яшнабод туманидаги Технопаркда режалаштирилган лойиҳалар билан танишган эди. 2020 йил феврал ойида эса электрон газ ҳисоблагич корхонаси ишга туширилди. 2020 йил 29 август куни бу ерда иккинчи истикболли лойиҳа-маиший совуткичлар ишлаб чиқариш заводи фойдаланишга топширилди. Президент заводнинг очилишида иштирок этди. Заводда умумий қиймати 51,5 млн. АҚШ dollari бўлган корхонада Ж.Кореянинг “Samsung Electronics” компанияси технологияси ўрнатилди.

Ускуналарни монтаж қилиш ва лойиҳани ишга туширишга ҳам корейлик мутахассислар жалб қилинди. Маълумки, мамлакатимизда илгари ҳам совуткичлар ишлаб чиқариш эди. Фарқи шундаки, бу корхонаники юқори технологик, янги авлод маҳсулотидир. Шунга яраша уларнинг сифати юқори, сиғими ҳам катта. Собиқ Авиация заводи тўхтаб қолган эди. Шу ерда янги завод барпо этилди.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилгани натижасида ҳар 19 секундда битта маҳсулот тайёрлаш мумкин. Юқори қўшимча қийматга эга бу совуткичларнинг 30 % ини экспорт қилиш

кўзда тутилган. Бу ерда 1500 нафар ишчи-ходимлар учун иш ўрни яратилди.[19]

Президент жамоатчилик фаоллари билан мулоқотда саноатни маҳаллийлаштириш масалалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. 2016 йил якунида 100 минг тонна атрофида мамлакатда мис ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йил охирида 150 минг тоннага етказилиши таъкидланди. Келгусида 400 минг тонна режа қилинди. Мис саноат маҳсулотлари тайёрлашда кенг қўлланилади. Уни қазиб чиқариш ҳажмининг кўпайиши импорт ўрнини босиб, мамлакат маҳсулотларининг дунё бозорида рақобатбардошлигини оширади. Ушбу технопарк 2019 йил августда ташкил этилди. Бу ерда 2020-2021 йилларда 15 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилди. Барча лойиҳалар бажарилганидан кейин жами ишлаб чиқариш ҳажми йилига 800 млн. АҚШ доллари бўлиши мўлжалланган.

Президент ташаббуси билан 2020 йилдан Ўзбекистоннинг чегара ҳудудларида савдо зоналари ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Бу эса қўшни давлат тадбиркорлари ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қулайликлар яратмоқда. Бу орқали тўғридан-тўғри бошқа давлат тадбиркорлари билан савдо ҳамкорлигини йўлга қўйиш имкони пайдо бўлмоқда.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августда қабул қилинган “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодий тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида сўз борди. Қарорга асосан “2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни тиклаш ва тизимли таркибий ўзгаришларни давом эттириш бўйича амалий “Ҳаракатлар режаси” ҳамда “Иқтисодиётда таркибий ислохотларни тиклаш ва давом эттириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Унга кўра, 2021 йилдан бошлаб 5-5,5 % барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлайдиган ва 2020-2021 йиллар даврида коронавирус пандемиясининг оқибатларини

мослаштириш билан тизимли ислохотларни давом эттиришга қаратилган чоралар белгилаб олинди. Хусусан электротехника маҳсулотларининг экспорт ҳажмини ошириш мақсадида мамлакатнинг чегарадош ҳудудларида савдо зоналари яратиладиган (Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида) бўлди.[20]

Қарорга мувофиқ, мис хом ашёсини қайта ишлаш ҳажми 49 000 тоннагача ошириладиган бўлди. Электротехника саноатидаги стандартларни халқаро стандартлар билан мувофиқлаштириладиган ва импорт қилинаётган тайёр электротехника ва электро маиший техника маҳсулотларига утилизация йиғими жорий этилади. 2021 йил якунига қадар электротехника маҳсулотларининг экспорти 1,3 бараварга оширилади. Электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи Ж.Корея ва Япониянинг “бренд” компаниялари жалб қилинадиган бўлди.

2020 йил 1 сентябр ҳолатига кўра, Ўзбекистонга қиймати 23,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 360,4 минг дона мобил телефонлари, 22,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 162 мингдан зиёд музлаткичлар ҳамда қиймати 5,3 млн. АҚШ доллари бўлган 230,6 минг дона телевизор ва унинг қисмлари импорт қилинди. 2019 йилга нисбатан 2020 йилда мобил телефон импортига 19,6 млн. АҚШ доллари, телевизор ва унинг қисмлари импортига 2,8 млн. АҚШ доллари кўп сарфланди.

Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон 18 та давлатдан мобил телефон, 21 давлатдан музлаткичлар импорт қилди. Импорт ҳажми юқори бўлган давлатлар орасида Хитой (14,9), Вьетнам (3,7), Ҳиндистон (2,8) ва 1,2 млн. АҚШ долллари билан БАА ни кўриш мумкин. Мамлакатимизда 2019 йилда 235 минг дона қиймати 31,7 млрд. сўмлик уяли ва бошқа симсиз алоқа тармоғи учун телефонлар, қиймати 754,5 млрд. сўмлик 502 минг дона музлаткичлар ҳамда қиймати 946,3 млрд. сўмлик 951 минг дона телевизор ишлаб чиқарилди.[21]

2020 йилда Ўзбекистондаги Артел компанияси Туркменистон Республикасига 1

млн. АҚШ долларида ортиқ маиший техникасини экспорт қилди. Ўзбекистон ва Туркменистон Республикалари кўп йиллик дўстона алоқаларига эга. Иқтисодий ҳамкорлик ва ташқи сиёсатдаги ҳамфикрлилик ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Артел компанияси маиший техникалари Туркменистон Республикасига уч йилдан бери экспорт қилиб келинди. 2020 йилнинг охиригача бу кўрсаткич 1,4 млн. АҚШ долларигача кўтарилди режалаштирилди. У ерда кондиционерлар ва электр сув иситкичлари ҳамда телевизорларга талаб катта. Артел компанияси экспорт ҳудудини кенгайтиришни давом эттириб келмоқда.

Мамлакатимизда электроника ва электротехника соҳасида кадрлар тайёрлаш мақсадида мустақил ўқув юрти ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳрида электроника ва электротехника соҳасида кадрлар тайёрлаш мақсадида мустақил ўқув юрти очиш режалаштирилди. Бу ҳақда “Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни тиклаш ва тизимли таркибий ўзгаришларни давом эттириш бўйича 2020-2021 йиллардаги амалий ҳаракатлар режаси” да айtilди.

Ҳаракатлар режасида қайд этилишича, бунда Ж.Кореянинг, Илғор технологиялар институти (“Япония), “Нанянг” Технологиялар университети (Сингапур) ҳамда “Цинхуа” университети (Хитой) вакиллари билан музокаралар ўтказилди. Билдирилишича, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида Тошкент шаҳрида соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида, электроника ва электротехника соҳасидаги мустақил ўқув

юртини ташкил этиш кўзда тутилди.

Шунингдек, “Lean менеджмент,” “Кайдзен,” “5S” ва “Канбак” технология ва стандартлари асосида камхарж усулларда қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида, баъзи кам самарали корхоналар таркибини қайта қуриш ва бир турдаги техника ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш мўлжалланди.

Бундан ташқари, импорт қилинаётган тайёр электротехника ва электро маиший техника маҳсулотларига утилизация йиғимини жорий этиш, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган етакчи хорижий компанияларни жалб қилиш, электротехника саноатида энергия ва бошқа ресурсларни тежайдиган технологияларни. Шу жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш орқали энергия самарадорлигига эришиш ва муҳофаа саноатида янги авлод электротехника маҳсулотлари ва саноат жиҳозлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилди.[22]

Хулоса қилиб айтганда “Ўзэлтехсаноат” Акционерлик компанияси томонидан Навоий, Ангрен, Ургут ва Жиззах эркин индустриал зоналарида ҳамкорларни жалб этган ҳолда халқимиз тараққиётига хизмат қилувчи янгидан-янги лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳамда бу соҳада юртимизда муносиб кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилаётгани юртимиз ободлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Халқ сўзи. 2016 йил, 6 февраль, 26-сон, 2 б.
2. Халқ сўзи. 2016 йил, 9 февраль, 27-сон, 1 б.
3. Халқ сўзи. 2016 йил, 20 февраль, 36-сон, 2 б.
4. Ёшлар телеканали. Давр ахборот кўрсатуви. 2016 йил, 24 июль.
5. Халқ сўзи. 2017 йил, 27 май, 105-сон, 2 б.
6. Ўзбекистон 24 телеканали. 2017 йил, 29 сентябрь.
7. Халқ сўзи. 2018 йил, 6 июнь, 115-сон, 4 б.
8. Халқ сўзи. 2018 йил, 6 июнь, 115-сон, 4 б.
9. Халқ сўзи. 2018 йил, 25 апрель, 82-сон.

10. Халқ сўзи. 2018 йил, 21 июнь, 125-сон.
11. Халқ сўзи. 2018 йил, 12 декабрь, 256-сон.
12. Халқ сўзи телеграмм канали. 2020 йил, 10 сентябрь.
13. Халқ сўзи. 2019 йил, 5 январь, 2-сон.
14. Kun. UZ телеграмм канали. 2019 йил, 11 ноябрь.
15. Uzelteksanoat. Фейсбук телеграмм канали. 2019 йил, 17 декабрь.
16. Янги Ўзбекистон. 2020 йил, 7 август, 147-сон.
17. Янги Ўзбекистон. 2020 йил, 7 август, 147-сон.
18. Қалампир телеграмм канали. 2020 йил. 30 август.
19. Қалампир телеграмм канали. 2020 йил. 30 август.
21. Халқ сўзи телеграмм канали. 2020 йил, 15 сентябрь, Халқ сўзи телеграмм канали. 2020 йил, 17 сентябрь, Халқ сўзи телеграмм канали. 2020 йил, 28 сентябрь.
22. Kun. UZ телеграмм канали. 2019 йил, 11 ноябрь.

## ЧОР РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА ОЛИБ БОРГАН СИЁСАТИ ВА УНИНГ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА РИВОЖЛАНИШИ

**Сафаров Бахтиёр Саттарович,**

Термиз давлат педагогика институти Тарих ва уни ўқитиш  
методикаси кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Турли даврларда Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги, ирригация ишларига турлича муносабат шаклланди. Чор Россияси Туркистонда пахта яккахокимлигини бутунлай қарор топтиришга, бутун мамлакатни пахта ҳом ашё базасига айлантиришга ҳаракат қилди. Мазкур мақолада Чор Россия империяси пахтачилик соҳасида олиб борган сиёсати ва унинг совет ҳокимияти даврида ривожланиши масалалари ёритилган.

**Калит сўз ва иборалар:** Россия империяси, қишлоқ хўжалиги, ирригация, Америка пахта нави, монополия, пахтачилик, ҳом ашё базаси.

**Аннотация:** В Центральной Азии в разные периоды формировались разные взгляды на сельское хозяйство и ирригацию. Царская Россия пыталась полностью установить хлопковую монополию в Туркестане, превратит всю страну в сырьевую базу хлопка. В данной статье описывается политика Царской Российской империи в области производства хлопка и его развития в советский период.

**Ключевые слова и фразы:** Российская империя, земледелие, ирригация, американский сорт хлопка, монополия,

хлопководство, сырьевая база.

**Abstract:** Different attitudes towards agriculture and irrigation were formed in Central Asia in different periods. Czarist Russia tried to completely establish a cotton monopoly in Turkestan, to turn the whole country into a raw material base for cotton. This article describes the policy of the Tsarist Russian Empire in the field of cotton production and its development during the Soviet period.

**Key words and phrases:** Russian Empire, agriculture, irrigation, American cotton variety, monopoly, cotton growing, raw material base.

Ўрта Осиёда ҳудуди қадимдан ўзининг унумдор ерлари, ҳосилдор далалари, сувга тўла анҳорлари, ўзига хос иқлими, қуёшли кунларнинг мўллиги билан кўчманчи ва ўтроқ аҳоли вакиллари жалб этиб келган. Натижада бу ҳудудда тош асридан бошлаб зироатчиликка асосланган аҳоли масканлари вужудга келиб, аҳоли сони орта бошлаган. Ўртоқ ҳаётга ўтиш қучайиб, катта яшаш манзилгоҳлари вужудга келган. Савдо-сотиқ ривожини эса бу манзилгоҳларни бошқа ўлка аҳолиси билан боғлаган. Шу сабабли ҳудудга турли ўлкалардан янги ўсимлик турлари ҳам кириб келди. Улар орасида пахта ўзига хос